

«Шыпан» умумий ўрта мактаби

Савод таълими.

Мавзу: *Ё ҳарфининг имлоси.*

“Саранжом бўлинг” 132 – 133 машқлар.



Ўқитувчи: Абдуллаева Я

Дарснинг мавзуси: Ё ҳарфининг имлоси.

“Саранжом бўлинг” 132 – 133 машқлар.

Дарснинг мақсади: Ўқувчиларга Ё ҳарфининг ёзилиши ҳолларини машқлар ёрдамида тушунтириш, уларнинг ёзма саводхонлигини ошириш “Саранжом бўлинг” мавзусини таништириш ва тушунтириш.

Дарснинг тарбиявий мақсади:

Ўқувчиларни саранжом саришта, тоза-озода, одобли, меҳрли бўлишга ўргатиш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:

Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ошириш, ўйлаш, сўзлаш малакасини ривожлантириш.

Дарснинг тури: Аралаш дарси

Дарснинг типи: Янги билим бериш

Фанлар аро боғланиш: дунётаниш, ўзбек тили, қозоқ тили, ўқиш.

Дарснинг жиҳози: тўплаштириш стратегияси плакат, карточкалар, крассворд, тест саволлари, топишмоқлар.

Дарснинг бориши:

Саломлашиш, Гимн куйлаш.

Тонгда туриб қуёш ҳам,

Коинотга бераркан салом.

Бизлар ҳам азиз устозларга,

Деймиз сизга салом, ассалом.

Давоматни аниқлаш, ўқувчиларни дарсга тайёрлаш.

Дафтарлар очилади, луғат диктант ёздирилади. Дафтарлар очилади ва ёзилади.

Биринчи март

Луғат диктант

Кеча, ечим, беҳи, элак, эчки, экин, юрак, юрт, ялпиз, қоя.

Уйга вазифани парта аралаб текшириш.

Намуна учун дафтарлар кўрсатиш.

“Ялпиз” мавзусини бир неча ўқувчига ифодали ўқитиб чиқиш савол – жавоблар ўтказиш.

Дам олиш дақиқасини ўтказиш.

Бир екі үш

Бойға жина күш.

Жалқаулықты тастаймыз.

Сабағымыз бастаймыз.

Янги дарс: Ё ҳарфининг имлоси.”Сарамжон бўлинг “ мавзуси билан танишамиз.

Ё ҳарфи икки товушдан (й-о) иборат бўлиб, ё тарзида ёзилади.

Масалан: дарё, дунё, ёмғир, ёлғон, ёлғончи, ёмон



132-машқ. Сўзларни ўқинг ва ё товушнинг айтилишига эътибор беринг. Қуёш, ёмғир сўзлари иштирокида гап тузилади ва ёзилади.

Ёнғоқ, ёстик, пиёла, пиёз, Сайёра, қуён, ёрдам, тайёр, ёмғир.



1.Қуёш чиқди. 2.Ёмғир ёғди. 3.Биз қуён бокдик. Доскада болалар ёзишади.

133 – машқ. Матнни ифодали ўқиш. “Саранжом бўлинг” мавзусини ифодали ўқиб бериш ва мавзуни расмлар асосида синфдаги болаларни бир бирига таққослаш асосида гапириб тушунтирилади.

Дам олиш дақиқаси ўтказилади.

Ёнғоқ эккан бобомиз

Биз ёнғоқни чаққанмиз

Ёнғоқ экиб барчага

Ёғдай бўлиб ёққанмиз.

Бугун, ҳозир ўтадиган мавзуни кросворддан топинг.

	С	А	Р	А	Н	Ж	О	М
Б	Ў	Л	И	Н	Г			

Мавзуни таништириш ва ифодали ўқиб бериш.

Айрим болалар шалоқ – шалтоқ бўлади. Уларнинг кийимлари ёки ўзларига керакли бўлган буюмлари ҳар ерда сочилиб ётади. Зарур бўлганида бола уни тополмай овора бўлади.

Саранжом ўқувчи ўз буюмларини жой – жойига қўйиб юради. Уст кийимлари, оёқ кийимларини артиб – тахлаб қўяди. Шунда керакли буюмлар тез топилади.


Болаларни озода юришга ундаш. Ҳар бир ўқувчи мактабга тоза кийимда келиш керак. Яхши баҳоларга ўқиш. Парта аралаб болаларга ўқитиш.

“5” баҳо ашуласини айттириш.

Дарсни мустаҳкамлаш: Тест билан ишлаш.

- 1) Ёруғ сўзида ё товуши қачон келган?
А) бошида б) охирида в) ўртасида
- 2) “Ё” товуши қандай товуш ?
А) унли б) ундош
- 3) Тўғри ёзилмаган сўзни топинг.
А) яхши б) ёмон в) йостик

Тўплаштириш стратегияси.



Ёғинлар: ёмғир, қор, дўл киради.

Қишда қалин қор ёғади.

Баҳорда кўп ёмғир ёғади.

Топишмоқлар ўқиш ва жавобини топиш.

- 1)Тарновларга қўйиб бош
Тушолмасдан тўкар ёш (ёмғир)
- 2) Икки ёни икки тоғ
Ўртасида сариёғ (ёнғок)

Дарсга якун яшаш:

Дарсда фаол иштирок этган ўқувчиларни рағбатлантириш ва баҳолаш.

Уйга вазифа: Ифодали ўқиш.